



**НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИГА РУС  
ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР ҲАМДА ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Алиева Ш. Б.*

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Хорижий тиллар кафедраси  
муdiri

*Аннотация:* Мақолада бугунги кунда талабаларга рус тилини ўқитишда педагогик технологияларнинг аҳамияти ва қўлланиши ҳақида фикр юритилган. Таълим жараёнида турли интерфаол усулларни қўллаш, педагогик технологиялардан фойдаланишда ўқитувчида мавжуд бўлиши керак бўлган компетенцияни шакллантириш бўйича тавсиялар берилган.

*Ключевые слова:* рус тили, педагогик технологиялар, таълим жараёни, компетенция, инновация, метод, таълим мазмуни.

Таълим ва тарбия жараёнини тубдан ислоҳ қилиш бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида эътироф этилар экан, ҳар биримизнинг зиммамизга илм-маърифатли келажак авлодни тарбиялашдек улкан масъулиятни юклайди.

Республикамизда жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувга йуналтирилган тизим яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сон Қарори тасдиқланди. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодни чет ва рус тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизда, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шarti ҳисобланган кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш, бугунги кунда ҳар бир ўқитувчидан ўзига хос ижодкорлик, малака ва тажрибани тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Рус тилини хорижий тил сифатида ўқувчиларга ўргатишдан мақсад уларнинг шу тилда сўзлаш, ёзиш, тинглаб ва ўкиб тушуниш каби кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда талабаларнинг тафаккури, мулоқот маданияти, билим олишга қизиқиши, фаоллик, мустақиллик, маҳнатсеварлик, қизиқувчанликни уйғо-тишга қаратилади. Уларнинг ақлий ва нутқий қобилиятини муваффақиятли ўстириш келгусида фанларни пухта ўзлаштиришга имконият яратади. Талабаларда рус ва чет тиллари орқали мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда илғор педагогик технологиялар ўзига хос аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ўқитувчига қўйиладиган муҳим талаблардан бири ҳам илғор педагогик технологиялар билан танишиш, амалда қўллаш ва шулар орқали талабаларни мустақил



фикр қобилиятини янада такомиллаштиришдан иборат.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳамма бўғинларида ҳам ўқитувчи дарс жараёнида, ноанъанавий дарсларда педагогик технологиялардан фойдаланади, лекин олий таълим муассасаларида рус тилини талабаларга ўргатишда дарснинг мақсад ва мазмунидан келиб чиқиб, педагогик технологияларни дарсда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи дарс жараёнида педагогик технологияларни ишлатишда куйидагиларга эътибор бериши лозим:

- талабалар онгида муайян мавзу асосида янги тушунчаларни ҳосил қилиш;
- янги мавзуга оид қоида, атамалар моҳиятини очиб бериш;
- янги мавзуни ўтилган мавзулар билан изчилликда етказиш;
- талабаларнинг фикрлаш даражасини ривожлантириб бориш;
- таълимий ўйинларнинг изчиллиги, хилма-хиллиги ва қизиқарли бўлишига эришиш;
- шу машғулотнинг ўзида янги билим асосида шаклланган кўникмаларни текшириб бориш;
- талабаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- дарс жараёнида талабалар иштирокини кучайтириб бориш.

Демак, рус ва чет тилларини ўрганиш даражалари мазкур мақсадни амалга оширишда талабаларнинг психологик, жисмоний ва ижтимоий жиҳатларини ўрганиб, ўзларини эркин тутиши ва фикрини мустақил ифодалашда тўсик бўладиган салбий психологик ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этишда қўлланилиши лозим. Ўқитувчи ҳам педагог, ҳам психолог бўлиб қолмасдан, улар билан ишлаш техникасини ҳам билиши лозим.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, бугунги кунда таълим жараёнида қанчалик усталик билан педагогик технологиялардан ўз ўрнида, мақсадли фойдаланса, дарс самарадорлиги юқори бўлади.

Бугунги ҳар бир фан ўқитувчи ўз фанининг хусусиятидан келиб чиқиб, таълим жараёнида турли интерфаол усуллардан фойдаланмоқда. Бизнинг йўналишимизнинг мақсади бошқа фанлардан фарқли равишда ноанъанавий дарсларда педагогик технологияларнинг турли интерактив усулларида фойдаланиб, талабаларга рус тилида эркин фикрлашга ўргатишдир.

Дарсларининг тўғри, аниқ, изчил самарали бўлиши учун бугунги кунда ўқитувчи куйидагиларга эътибор бериши лозим.

Биринчидан, педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириши, таълимнинг тушунарлилик, изчиллик ва киришимлилик, назарияни амалиёт билан боғлаш, кўргазмалилик, бугунги куннинг янги ёндашувлари, мультимедиа талабаларнинг онглилигини амалга ошириш орқали таъминланади.

Иккинчидан, талабаларга фақатгина рус тилини ўргатишгина эмас, балки дўстлари билан рус тилида мулоқотни ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этиши лозим.

Учинчидан, ҳар бир ўқитувчи педагогик технологиялардан дарс жараёнида фойдаланишда интерфаол усуллардан ўз ўрнида фойдаланиши зарур.



Тўртинчидан, талабаларнинг фикрлаш фаолиятини шакллантириш учун талабаларнинг тил билиш даражаларини ҳисобга олиб, турли дидактик ва ролли уйинлар ташкил этиши мумкин.

Бешинчидан, ўқитувчи интерфаол усуллардан – ўқитувчи ва талаба ҳамда ўқувчилараро биргаликдаги ҳаракатдан фойдаланиши керак.

Олтинчидан, талабалар ўтилган мавзунини эсдан чиқармасликларининг олдини олиш мақсадида такрорлаш фаол амалга оширилиши лозим.

Ўқитувчи кимни ўқитади, нимани ўргатади ва қандай технологиялар асосида ўргатади? деган савол қўйилади. Бунинг учун хорижий тил ўқитувчиси, авваламбор, ўз она тилини, унинг фонетикаси, грамматикасини мукамал билгандагина хорижий тилни қиёслаш орқали ўқувчиларга ўргата олади.

Педагогик технология ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларини қуриш, уларни жорий этиш, шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди. Булардан ташқари, хорижий тил дарсларини ўтишда ўқитувчи ҳар хил усуллар: аудио дарс (тинглаб тушуниш), видео дарс, интернет дарси, саёҳат дарси, мусиқа дарси, «модуль» дарс, баҳс-мунозара, мусобақа дарси, «Заковат» ва интерфаол педагогик усуллардан фойдаланиши мумкин.

Таълим ҳар доим ўқитувчидан ўз устида ишлаш, изланишни талаб этади. Бугунги кун ўқитувчиси компетенциявий ёндашув асосида инновациялар жорий қилиши, лойиҳалаштириш асосида замонавий педагогик технологияларни излаш лозимдир. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчи нутқи, мустақил фикрлай олиши, ўз фикрини рус тилида бемалол ифода эта олиши, ёзма иш, суҳбат, ҳикоя, мустақил фикрига таяниши каби шаклларга эътибор бериши лозим. Педагогик технологиялар дарс жараёнида дарснинг мазмуни, мақсадига мувофиқ равишда қўлланилса, у ижобий самара беради. Рус тилини хорижий тил сифатида ўргатишда қандай шакл, метод ва воситалар ташкил этилишидан қатъи назар энг аввало педагогик технологиялар:

- таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш;
- ўқитувчи ва талаба ўртасида ўзаро ҳамкорликни яратиш;
- талабаларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши лозим.

Педагогик технологиялардан фойдаланилганда, талабаларнинг билим салоҳияти, фанга бўлган қизиқишлари янада ортади; билим, малака, кўникмалар янада шаклланади.

Демак, рус тилини хорижий тил сифатида педагогик технологиялар орқали ўқитиш уларга тилни мукамал эгаллашларида муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар буйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш



тўғрисида»ги 124-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 251-модда.

3. Кенжабоев А. Педагогик технологиялар - дарс самарадорлигининг муҳим омили. - Т.: «Навруз», 2012.
4. Саидахмедов Н. Педагогик технологиялар. - Т.: «Фан», 2006.
5. Феберман Б. Илғор педагогик технологиялар. - Т.: «Фан», 2000.
6. Худойкулов Х.Ж., Кенжабоев А. Замонавий педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. - Т.: «Навруз», 2013.